



MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilibishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Сайд ДАМАНҲУРИЙ
(احمد سعید الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД (ناظر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар маъмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўймитасининг 2023 йил 7 мартаға
03-07/1503-сонли хуносаси асосида
тайёрланди.

МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари 3
- Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий такомилда илмий марказларнинг ўрни 12
- Ihomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари 19
- Nematulla Nasrullahayev. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари хақида 29
- Muhabbatkhan Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши 41
- Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг кўлланилиши 48
- Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили 55
- Bakhodir Pirmukhamedov. Махмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси 65
- Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига кўшган ҳиссаси 72
- Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқик этишининг назарий масалалари 83
- Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари кўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи 91
- Mamurjon Erkayev. Ижара ақди билан boglik оялгар таҳлили 98
- Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи 107
- Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили 118
- Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan 124
- Pirnazar Rajapov. Saljuqiyalar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) 130
- Абу Мансур Мотуридий
(тарихий романдан парча) 140

Abdulaziz M. YAKHSHILIKOV,
Research fellow of the Imam Maturidi
International Scientific Research Center.
11, A. Kadirov str 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: abduazizyaxshilik@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/10

САБАБИ НУЗУЛ ИЛМИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

THEORETICAL ISSUES OF RESEARCHING THE STAGES OF DEVELOPMENT OF THE SCIENCE OF ASBAB AN-NUZUL

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ НАУКИ ОБ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАХ НИСПОСЛАНИЯ

КИРИШ

Мухаммад (с.а.в.) билан доимо бирга юрган сахобалар табиийки, бошқалардан фарқли ўлароқ оятлар нозил бўлишига алоқадор сабаб ва холатлардан кўпроқ вокиф бўлганлар. Шу боиндан хам улар динни теран тушуниш, унинг моҳиятини англаш борасида бошқалардан устун бўлишган. Масруқ ибн Абдурахмон (ваф. 62/682) шундай дейди: “Мухаммад (с.а.в.)нинг сахобалари билан сухбатдош бўлдим. Уларнинг худи кўллар каби турлича эканларига тувох бўлдим. Айрим кўллар бир кишининг чанкогини қондирса, бошқаси икки кишини, уччинчиси юз кишини чанкогини қондиради. Шундай кўллар борки, бутун ер юзи ахолисини ташнилидан холос этишига етарлидир” (Мухаммад ибн Сайд ибн Маний, 2001).

АСОСИЙ ҚИСМ

Сабаби нузул илми алоҳида илм сифатида ажralиб чиқиб, хозирги кўринишга келгунича бир канча босқичлардан ўтган.

Пайтамбар (с.а.в.) ва сахобалар даври.

Бу давр сабаби нузул илмининг юзага келишида илк босқич саналади.

Сахобалар Куръон маъноларини тўлиқ англаш мақсадида оятларни вазият билан боғлиқ

холда ёдда сақлаб колганлар. Бу борада улардан бир гурухи пешқадам бўлганлар. Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661): “Аллоҳга қасамки, (Куръонда) нима учун, қачон нозил бўлганини мен билмайдиган бирор оят йўк. Раббим менга идрок этувчи қалб ва сўровчи тил инъом этган” (Мухаммад Мухаммад Абу Захв, 1984), деган. Бундан кўриниб турибиди, сахобалар Куръон оятларини ёдлаш билангина кифояланниб қолмай балки, шу билан бир каторда, унга боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ҳам хотираларида сақлаб колишига катта аҳамият берганлар. Бунинг тасдиғи сифатида Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/650) (р.а.)нинг: “Ягона Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг китобида қаерда нозил бўлганини мен билмаган бирор сурә йўк. Аллоҳнинг Китобидан бирор оят йўқки, мен унинг нима ҳақда нозил бўлганидан бехабар бўлсан. Агар Аллоҳнинг Китобини мендан кўра яхширок биладиган бирор кимни билсан ва унинг оддига тuya билан етиб бориши имкони бўлса, албатта борган бўлардим”, деган. Бошқа ривоятда: “Аллоҳга қасамки, Набий (с.а.в.)нинг асхоблари Аллоҳнинг Китобини улар орасида энг яхши билимдони мен эканимни улар биладилар”, деган.

Ўша даврда улар яшаган жамиятда ёзишга эмас ёдлашга кўпроқ таянилар эди. Оятлар, ҳадислар саҳифа ва китобларда эмас хотираларда сакланарди (Мухаммад Абу Захв, 1958). Бундан Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида ёзиш мутлако бўлмаган деган маъно чиқмайди.

Тобеинлар даври.

Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларидан сўнг фатхлар кўпайди. Саҳобалар янги фатҳ қилинган юртларга тарқалиб, ўша срнинг туб ахолисига Куръон таълим бериш, унинг маъноларини изоҳлаш ва унга тегиши бошқа илмларни ўргатиш масъулиятини ўз зиммаларига олганлар. Тобеинлар илм олиш учун тўғридан-тўғри сахобаларга мурожаат килишди. Ҳасан Басрий (21/642–110/728)нинг: “Аллоҳ қайси оятни туширган бўлса, нима ҳақда нозил бўлган ва унда нимани назарда тутганини билишни хоҳлайман” (Ибрөҳим ибн Мусо Шотибий, 1997) деган сўзи ҳам илмiga ташна тобеинларнинг сабаби нузул илмига нечоглиқ иштиёқманд бўлганларини кўрсатади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) (ваф. 32/650)дан Зир ибн Ҳубайш (ваф. 81/700), Абу Вонл Шакик ибн Салама (ваф. 82/701), Алкама (ваф. 61/681), Асвад (ваф. 75/694) ва бошқалар таълим олишиди. Саид ибн Жубайр (ваф. 95/714), Ато ибн Абу

Аннотация. Сабаби нузул илми алоҳида илм сифатида ажралиб чиқиб, ҳозирги кўринишига келгунича бир қанча босқичлардан ўтган. Саҳоблар Қуръон маъноларини тўлиқ англаш мақсадида оявларни улар нозиг бўлан ҳолат ва вазият билан боғлиқ равишда ёдда сафқаб қўланганлар. Ўна даврда маълумотларни ёзишига эмас, хотирада сағлашига кўпроқ эътибор қаратилган. Тобеинлар даврига келиб исломий билимларни таёвин қўлишига аҳамият берила бошланди. Биринчи бўлиб ҳадислар жасаланди. Сабаби нузул, оявларини тағифирарига оид маълумотлар ҳадис түпламлари ичидан жой олди. Кейинчалик бу борада мустақилилар асарлар яратилиди.

Мақолада сабаби нузул илмининг ривожланини босқичлари даврлар бўйича келтирилиб, сўнгра унинг алоҳида фан сифатида ажралиб чиққисига тұхтабиб ўтилган. Бу илмга бағишланган мустақилилар асарлар, уларнинг номлари ҳамда муаллифлари зикр қўлинган. Дастилаб ёзилган асарлар билан кейинги даврда ёзилган асарларнинг ўтишашликлари ва фарқларни таҳтил қўлинган. Имам Вахидийнинг “Асобб ан-нузул” асари бизга тўпкүй ҳолидо етиб келган мўътабар манба бўлгани учун унинг устуниларни, унодаги санад билан боғлиқ камчиликлар ҳамто сабаби нузулга доир ривоятлар сони ҳақидағи кенг маълумот берилган.

Умуман олганда, мақолада бу илмининг пайдо бўлиши, ривожланини ва алоҳида илм сифатида ажралиб чиққиси тарихий ўсиҳатдан ёритилган. Қуръон илмлари орасида бу илм алоҳида ўрин тутиши ва унинг хусусиятлари көлтириб ўтилган.

Калил сўзлар: Сабаби нузул, саҳоба, саҳифа, фатҳ, тобиин, таёвин, фатво, муснад, Андалус, қироат, санад.

Abstract. *Ashab an-nuzul science went through several stages until it formed as a separate science and came to its present appearance. To fully understand the meaning of the Qur'an, the Sahabah memorized the verses in the context of their revelation and the situation. At that time, more attention was paid to storing information in memory than to writing. By the time of the Tabiin, importance was given to the "tadwin" of Islamic knowledge. Hadiths were collected first. The reason is that the information about interpretations of the verses was revealed in the hadith collections. Later, independent works were written in this regard.*

In the article, the stages of the development of the science of Ashab an-nuzul are given by periods, and then its formation as a separate science is discussed. Independent works dedicated to this science, their titles, and authors are mentioned. The similarities and differences between the works written in the early period and the works written in the later period were analyzed. Especially since Imam Wahidi's work "Ashab an-nuzul" is a reliable source that has reached us in its entirety, its advantages, shortcomings related to the sanad, and even the number of narrations about ashab an-nuzul were covered with extensive information.

In general, the article describes the emergence, development, and formation of this science as a separate science historically. Among the sciences of the Qur'an, this science has a special place, and its characteristics are mentioned.

Keywords: *Ashab an-nuzul, sahaba, sahifa, opening, tabiin, tadwin, fatwa, Musnad, Andalus, recitation, sanad.*

Аннотация. Наука “Асбаб ан-нузул” прошла несколько этапов развития, пока не сформировалась как отдельная наука и не пришла к своему нынешнему виду. Чтобы полностью понять смысл Корана, сахабы запоминали аяты в контексте их откровения и ситуации. В то время больше внимания уделялось хранению информации в памяти, чем записи. Ко времени табиинов большое значение придавалось “тадвина” исламских наук. Сначала были собраны хадисы. Информации о толкованиях аятов и обстоятельствах их ниспосления раскрывалась в сборниках хадисов. Позднее на этот счет были написаны самостоятельные работы.

В статье по периодам даны этапы развития науки “Асбаб ан-нузул”, а затем рассмотрено ее становление как отдельной науки. Указаны самостоятельные работы, посвященные этой науке, их названия и авторы. Анализируются сходства и различия между произведениями, написанными в ранний период, и произведениями, написанными в более поздний период. Кроме того, труд имама Вахиди “Асбаб ан-нузул” является достоверным источником, дошедшем до нас в полном объеме, его достоинства, недостатки, связанные с санадом, и даже количество хадисов об “Асбаб ан-нузул” были всесторонне освещены.

В целом, в статье исторически описывается возникновение, развитие и становление “Асбаб ан-нузул” как отдельной науки. Среди наук Корана эта наука занимает особое место.

Ключевые слова: Асбоб ан-нузул, сахаба, страница, открытие, табиин, тадвин, фетва, муснад, андалус, декламация, санад

Рабоҳ (ваф. 114/732), Товус ибн Кайсон (106/724) ва бошқа тобеинлар Абдулоҳ ибн Аббос (р.а.) нинг (ваф. 68/687) шогирдлари сифатида кўзга ташландилар. Оиша (р.а.)дан Масруқ (62/682), Урва ибн Зубайр (ваф. 94/713), Абу Салама ибн Абдурраҳмон (94/713) ва бошқалар таҳсил олиши (Фаҳд ибн Абдурраҳмон Румий, 2005). Бу боскичда ҳам бошқа исломий илмлар катори бу илм ҳам устоздан шогирдга оғзаки тарзда нақл килинган.

Ҳадисларни тадвин (китоблар ёзилиш) даври.

Халифа Умар ибн Абдулазиз (61/681–101/720) ҳадисларни ёзишга катта эҳтиёж тутгилганини пайқади ва 100/718 ийл бошида бу ҳақда Мадина ҳокими ва қозиси Абу Бакр ибн Ҳазмга (36/656–120/738): “Росууллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларига назар сол ва уларни ёз. Мен илмни йўқолиб кетишидан, уламолар айрилиидан хавотирдаман” (Абу Абдулоҳ Мухаммад ибн Наср Марвазий, 2001), дея мақтуб ёзи. Унга Амра бинти Абдурраҳмон (89/717) ва Қосим ибн Мухаммад ибн Абу Бакр (107/725) билган хабарларни ҳам ёзишина тақлиф килди. Шунингдек йирик исломий шаҳарларнинг ҳокимларига ҳадисларни тўплаш ҳакида буюрук берди. Айнан шу масала юзасидан мақтуб ўйлланганлар каторида Ибн Шихоб Зухрий (ваф. 124/742) бор эди. Ўша вактдан бошлаб уламолар суннатни ёзишга киришидилар. Имом Зухрийдан кейинги табакада бу борагада ишлар авжига чиқди. Маккада Абдулмалик ибн Журайж (ваф. 150/767), Мадинада Мухаммад ибн Исҳок (80/699–151/769), Молик Ибн Анас (ваф. 179/795), Басрада Робиъ ибн Собих (ваф. 160/777), Сайд ибн Абу Араба (ваф. 156/773), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/783), Қуфада Суфён Саврий (ваф. 161/778), Шомда Абурраҳмон ибн Амр Азвозий (ваф. 157/774). Воситда (Ироқдаги шаҳар) Хушайм ибн Башайр (ваф. 183/799), Яманда Масъмар ибн Рошид (ваф. 153/770), Ҳурсоңда Жарир ибн Абдулхамид (ваф. 188/804), Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 181/797) ҳадисларни тўплаш ўйлида жонбозлик кўрсатишиди (Мухаммад Мухаммад Абу Захъ, 1958). Бу асарларнинг аксари ҳадислар билан биргаликда саҳоба ва тобеинларнинг фатволарини ҳам ўз ичига олган эди (Мухаммад Ажжакҳ Ҳатиб, 1988). Бунга имом Молик ибн Анас (93/711–179/795) (р.а.) нинг “Муватт” асарини мисол килиш мумкин. У боблар асосида тартиблangan бўлиб, ўз ичига ҳадислардан ташкари саҳобларнинг сўзлари ва тобеинларнинг фатволарини ҳам олган. Уларнинг

аксари Мадина аҳлидан бўлганлар. Гоҳида фикхий қарашларни көлтирган бўлсада, асар ҳадис йўналишида тасниф килинган. Унда сабаби нузулга оид жами ўнта¹ ривоят көлтирилган.

Кейинчалик ҳадислар алоҳида ажратилди. Дастреб муснад йўналишидаги китоблар таълиф килинди. Муснадларда ҳар бир саҳобадан алифбо ёки истомга кириш набабати бўйича ривоят килинган ҳадислар мавзуга риоя килинмаган ҳолда көлтирилади. Абу Довуд Таёлсий (ваф. 204/819)нинг “ал-Муснад” асари бу йўналишида ёзилган биринчи тўпламлардан саналади. Унда сабаби нузулга оид ривоятлар тарқок ҳолда учрайди. Масалан, Абдулоҳ ибн Умар (ваф. 73/693)дан кўйидаги ривоят көлтирилган: «Ҳамр (маст килювчи ичимликлар) ҳакида учта оят нозил бўлган. Улардан энг биринчи «Сиздан ҳамр ва қимор ҳакида сўрашади»² оятидир» (Абу Довуд Сулеймон ибн Довуд Таёлсий, 1999).

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164/781–241/855) нинг “ал-Муснад” асари кирк мингта якин ҳадисни ўз ичига олган йирик ҳадис тўплами бўлгани боис сабаби нузулга доир ривоятлар бошқаларига қараганда унда кўпроқ учрайди. Куръони киримининг кирк уч³ сураси бўйича жами уч юз йигирма уч ривоят көлтирилган. Мисолтариқасида кўйидаги ривоятни көлтириш мумкин. Саҳоба Абу Айёш Зуракий айтади: Биз Расууллоҳ (с.а.в.) билан бирга Ӯсфандо⁴ эдик бизларни мушриклар қарши олди. Ўшандо Ҳолид ибн Валид уларнинг бошликлари эди. Улар биз билан кибла орасида эдилар. Расууллоҳ (с.а.в.) биз билан бирга пешин намозини ўқидилар. Улар: “Биз уларни кутмаган пайтларнида ҳужум килганимизда эди. Ҳозир уларга бир намоз келади, у улар учун ўзлари ва бола-чакаларидан ҳам суюклироқ”, дейишиди. Ўшандо пешин билан аср орасида Жабронил ушбу оятларни нозил килди: (Эй Мухаммад,) мўминлар орасида турганингизда уларга имом бўлиб намоз ўқимоқчи бўлсангиз...” (Абу Абдулоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал, 2001).

¹ Бакара: 3, Мойда: 1, Анфол: 1, Ҳаж: 1, Нур: 1, Ахъзоб: 1, Абаса: 1, Ихлос: 1.

² Бакара сураси, 219-оят.

³ Бакара: 36, Оли Имрон: 24, Нисо: 37, Мойда: 34, Аньом: 1, Анфол: 14, Тавб: 11, Худ: 10, Ҳижр: 1, Наҳф: 2, Иср: 8, Қаҳғ: 1, Марям: 6, Ҳаж: 1, Нур: 14, Фурқон: 3, Қосос: 3, Ан-кабут: 2, Рум: 2, Лукмон: 1, Ахъзоб: 23, Сод: 2, Зумар: 5, Фус-сијат: 5, Ҷұхон: 7, Фатҳ: 11, Ҳукурот: 8, Қамар: 3, Вокеа: 1, Мужодала: 6, Ҳашр: 2, Мұмтахина: 2, Соғ: 1, Жұмъя: 2, Муноғиқун: 4, Тархим: 4, Жин: 1, Муддассир: 5, Қиёмат: 5, Зуҳ: 4, Алак: 2, Масад: 2, Ихлос: 1.

⁴ Макканинг шимоли-ғарбидаги 80 км узоқликда жойлашган минтака. Унинг катта килеми Жидданнинг шимоли-шарқи билан тушиб кетган.

Имом Абдулоҳ ибн Абдурраҳмон Доримий (181/797–255/869) “ал-Муснад Ал-Жоме” асарида ҳадислардан ташкари сахобалар, тобеинларниң сүзлари хамда улардан кейин келтган фиксада пешво илм ахълларини гапларини хам көлтирган. Ҳадис ривоятидан кейин ундан олинган фикхий ғойданы илова қиласы.

Кейинчалик Имом Бухорий (194/810–256/870) биринчи бўлиб факат сахих ҳадисларга багишланган тўпламини яратди. Унда баъзи ҳадисларни тақорр қелтириди, айримларини турли бобларга мос келиши учун қискартирган ҳолда ривоит қиласы. Унда сабаби нузул ривоятлари кўп учрайди бирор, мътум. Бир китоб (бўлим) да жамланмаган. Муносиб бобларда таржик көлтирилган.

Муслим ибн Ҳажжож (206/822–261/875) томонидан таълиф этилган “ал-Муснад ас-саҳих” асарида, имом Абу Довуд (202/817–275/888) “ас-Сунан” асарида, Аҳамад ибн Шуайб Насойи (15/829–303/915) “ал-Мужтабо мин ас-сунан” асарида сабаби нузулга оид ривоятлар китоблар ва бобларга муносиб равишда таржик ҳолда келган. Имом Термизий (209/824–279/892)нинг “ас-Сунан” асарида бошқаларидан фарқли ўларок “Қуръон тафсири боблари” номли алоҳида бобда бир қанча сабаби нузул ривоятлар ўрин олган ва китобнинг турли бобларида таржик ҳолда көлтирилган.

Сабаби нузулга бағишланган мустакил асарлар

Уламолар сабаби нузул илмига эртарок эътибор караттганлар. Биринчи бўлиб:

Маймун ибн Мехрон (ваф.117/735) “Тафсил ли Асбоб ан-танзил” (Қуръон оятлари нозил бўлиш сабаблари ҳакида батағфил манба) номли асар ёзган. Суриялик тадқикотчи Абдулҳаким Үнайс асар кўёзмасини кўрганини айтган (Аҳамад ибн Али Ибн Ҳажар Аскалоний, 1997).

Али ибн Мадиний (ваф. 161/778–234/849) “Асбоб ан-нузул” (Нозил бўлиш сабаблар) асарини ёзган (Заркаший, 1980). Афуски бу асарнинг биззагча етиб келган нусхаси аникланмаган. Муаллиф китобига факат сахих ва ҳасан даражасидаги ривоятларни киритган дейиш мумкин. Чунки у ривоятларни қабул килишда ўта талабчанилиги машҳур бўлган “жарҳ ва тъьдил”, “илал ал-ҳадис” илмларининг пешкадам билимдонларидан бўлган. Имом Бухорийнинг “Ҳеч кимнинг олдиди ўзимни Али ибн Мадинийнинг олдидачалик арзимас сана-

маганман” деган сўзи хам унинг хадис бобида қанчалик етук бўлганини кўрсатади (Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1985).

Кози Абдураҳмон ибн Муҳаммад Футайс Куртубий (ваф. 402/1012) “ал-Қисас ва ал-асбоб аллатий назала мин ажлиха ал-Қуръон” (У сабабли Қуръон оятлари нозил бўлган қиссалар ва сабаблар” асарини тасниф киlgан (Шамсиддин Муҳаммад ибн Али Довудий, 1983). Ибн Башкувал (Қосим Ҳалаф Ансорий ибн Абдулмалик (Ибн Башкувал), 1966) (494/1101–578/1183) ана шу ном билан зикр киlgан. Ибн ал-Имод Ҳанбалий (1032/1623–1089/1679) асар номини “Китоб асбоб ан-нузул” деб көлтирган (Абдулҳай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Имод Ҳанбалий, 1989). Имом Заҳабий Абу Муторриф Андалусийнинг “Китоб ал-Қисос” (Қиссалар китоби) ва “Китоб асбоб ан-нузул” (Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1987) (Сабаби нузул ҳакидаги китоб) ни бошка-бошка китоблар деган фикрини илгари сурған. Лекин жазм билан бирор гап айтмаган.

Асар номидан кўрниб турибидики, муаллиф сабаб билан қиссани бир-биридан ажратган. Агар улар бир хил мавонни англаттанида биттаси билан кифояланган бўлар эди. Шунингдек асар номи Қуръонда зикри келган умматларни қиссалари нозил бўлиш сабабига алоқадор эмаслигини англатади. Ибн Футайс Али ибн Мадинийнинг асари билан таниш бўлган ва ўз асарида унингка қарагандан кўпроқ маълумотларни жамлаган дейиш мумкин. Чунки у оммавий кутубхонлар кўп, нусха кўчирувчи хаттотлар сероб бўлган даврда яшаган. Айниқса, Андалус подшоҳлари Богдод ва ислом оламиининг бошка ўлкаларидаги китобларни имкон қадар йигишига алоҳида аҳамият берганлари айни мудда бўлган. Энг асосийси Ибн Футайснинг катта мухаддис (Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, 1985) бўлгани ва Қуръон илмлари билан шугуллангани юкоридаги фикримизни тасдиқлади.

Исмоил ибн Аҳмад Найсабурый аз-Зарир (ваф. 431/1040) “Асма ман назала фиҳим ал-Қуръон” (Улар борасида Қуръон (ояти) нозил бўлган шахсларнинг исмлари) асирини ёзган. уни аввали уламолар кироат, тафсир ва ҳадисда имом деганлар. Биринчи бўлиб Жалолиддин Сутоятӣ (849/1445–911/1505) ўзининг “ал-Иткон фи улум ал-Қуръон” (Қуръон илмлари ҳакидаги мукаммал асар) китобини ёзишда фойдаланган адабиётлар рўйхатида көлтирган. Бу эса ўн бешинчи асар-

нинг охирларидаги мазкур асар мавжуд бўлганига далолат киласи (Шамсуддин Мухаммад ибн Ахмад Заҳабий, 1985).

Абул Ҳасан Али ибн Ахмад Воҳидийнинг (ваф. 468/1076) “Асбоб ан-нузул” (Нозил бўлиш сабаблари) асари биззача етиб келган сабаби нузулга оиз мухим маъна хисобланади. Воҳидий китобдаги беш юздан ортик ривоятларни келтирган. У аввал сурга номини кейин эса оятларнинг нозил бўлиши сабабини келтиради. Китоб мукаддимасида “Сабаби нузул ҳақида ривоят ва нақлсиз бирор сўз гапириш ҳалол бўймайди” деган. Аммо асарда санадсиз ривоятлар кўп учрайди. Бу билан у эҳтиёт бўлишига чакирилган ишни ўзи килиб кўйган. Масалан Монда сурасининг 57–58-оятларининг сабаби нузули ҳақида Абдулоҳ ибн Аббосдан келтирилган чамаси бир бетни ташкил килалиган ривоятлар санадсиз холда келган (Абул Ҳасан Али ибн Ахмад Воҳидий, “Асбоб ан-нузул”// Сайид Ахмад Сақар таҳқики, 1969). У Ахмад ибн Иброҳим Саълабий (ваф. 427/1035)нинг шогирдларидан бўлган (Шамсуддин Мухаммад ибн Ахмад аз-Заҳабий, 1985) ва ундан таъсириланган. У устозининг “ал-Кашф ва ал-Баён” тағфиридан кўп ўринларда бевосита нақл килганини кўриши мумкин (Абул Ҳасан Али ибн Ахмад Воҳидий, “Асбоб ан-нузул”// Сайид Ахмад Сақар таҳқики, 1969). У устозини ишончли деб хисоблагани боис у келтирган ривоятларни саҳиҳ деб билиб, ортиқча тадқик килмаган бўлиши мумкин.

Абул Музаффар Мухаммад ибн Асъад Ҳанафий (567/1172) “Асбоб ан-нузул ва ал-қисос ал-фурқония” (Нозил бўлиши сабаблари ва фурқоний киссалар) номли асар таълиф килган. Ушбу асарни Сайид Мухаммад Абдулкарим Розий икки нусха: Берлин ва Честер Битти нусхалари асосида таҳқиқ килган. Бирор бу тадқиқоти ҳали чот этилмаган.

Шиа олимларидан Абу Жаъфар Мухаммад ибн Али ибн Шаҳрошибу (ваф. 588/1192)га тегишли асар ҳақида Салоҳиддин Сафадий (ваф. 764/1363): “Асбоб нузул ал-Қуръон” китоби унга нисбат берилади” (Салоҳиддин Сафадий, 1981), деган. Умар Ризо эса уни “ал-Асбоб ва ан-нузул ала мазҳаби Оли ар-расул” (Умар Ризо, нашр йили кўрсатилмаган) деб келтирган.

Абулфараж ибн Жавзий (ваф. 597/1201) “Асбоб ан-нузул” номли китоб тасниф килган. Ҳожи Ҳалифа (1067/1657) ана шу номдаги асарни унга нисбат берган (Ҳожи Ҳалифа, нашр йили кўрсатилмаган).

Абу Исҳок Иброҳим ибн Умар Жаъбарий (732/1332) “Муҳтасар асбоб ан-нузул” номли

китобни ёзгани маълум. Ушбу асарнинг кўлёзма нусхаларидан бири Берлин кутубхонасида 3578 рақам остида сакланмоқда. Муаллифнинг ҳаётлик даврида 709/1309 йил бу кўлёзманинг кўчирилгани эътиборга моликдир. У Воҳидийнинг китобида келган хабарларнинг санадларини тушуриш билангина кифояланган холос (Жалолиддин Суютий, 1964). Икки асарни чуқурроқ таҳжил килинса, у Воҳидий келтиргмаган баъзи хабарларни асарига киритганини гувоҳи бўлиш мумкин. Бунга Бакара сурасининг 14–16-оятларининг нозил бўлиши сабабларига bogliq икки ривоят мисол бўлади.

Ахмад ибн Али ибн Ҳажар Аскalonий (773/1371–852/1448) “ал-Ужаб фи баён ал-асбоб” (Оятлар нозил бўлиши ҳақида ажойиб асар) китобининг муаллифидир. Китоб ана шу номда эҳканинг муаллиф асар мукаддимаси охирида очик-ойдин айтган (Ахмад ибн Али ибн Ҳажар Аскalonий, 2002). Ҳожи Ҳалифа бу китобни икки марта зикр килган. Бир гап “Асбоб ан-нузул” номи билан иккичи марта эса “ал-Иъжоб би баён ав тибён ал-асбоб” деб келтирган (Ҳожи Ҳалифа, нашр йили кўрсатилмаган). Биринчи ном тўғрирок. Чунки Жалолиддин Суютий “ад-Дур ал-мансур” асаридаги бир матнни нақл килиб: “Ҳофиз Ибн Ҳажар ўзининг сабаби нузулга багишланган китобининг аввалида келтирган ва уни “ал-Ужаб фи баён ал-асбоб” деб номлаган” (Жалолиддин Суютий, 1983), деган. Иккичи номга келсак, муаллиф китобини аввал ўша ном билан атаган, сўнгра ўзgartirган бўлиши эҳтимоли бор.

Ибн Ҳажар китобини Воҳидийгача етиб борадиган санадни келтириш билан бошлайди. Койин эса, бир қанча ривоятларни санадсиз келтирганига эътиroz билдиради. Асосий гап санадни келтиришда эмас, ўша санданинг саҳиҳ бўлишида эканини таъкидлаб: “Қанча-қанча узулксиз санадлар борки, улар ёлғончи, матрук, кўпол хато килувчи ровийлар томонидан ривоят килинган. Қанча-қанча хабарлар борки, санадсиз зикр килинса-да, “бу фалончининг асари кучли санад билан ривоят қилинган” дейилади” (Ахмад ибн Али Ибн Ҳажар Аскalonий, 1997), дейди. У санади келтирилмаган ривоятларни саҳиҳ, ҳасан, заиф ва ўта заиф каби даражаларини баён килган. Одатда аввал оятлар хусусида Воҳидийнинг гапини келтириб, сўнгра ўша гапнинг маънисини қайд килиш ёки ривоятнинг даражасини белгилайди. Бу борада бошқа фикр-мулоҳазалар ривоятларни ҳам нақл киласи. Асарни тасниф

мобайнида тафсир, Қуръон илмлари, ҳадис ва ҳадис илмлари, сийрат, тарих ва бошқа илмларга оид бир юз йигирма учта манбадан фойдаланган (Хожи Халифа, нашр ийли кўрсатилмаган).

Жалолиддин Суютий (849/1445–911/1505) “Лубобан-нукулфи асбобан-нузул” (Сабаби нузул ҳакидаги сара нақллар). Суютий ўз давригача ёзилган асарлардан фойдаланган. Унинг асари Воҳидийнинг караганды ўзининг ихчамлиги, кўп маълумотни жамлагани, ҳар бир ҳадис мўътабар ҳадис тўпламларига нисбат берилгани, саҳих, қабул килинадиган ва қилинмайдиганлари саралангани, бир-бирига қарама-карши ривоятлар ораси жамлангани, сабаби нузулга таалукли бўлмаганлари чикариб ташлангани билан ажралиб туради.

Суютийнинг мазкур асари “Асбоб ан-нузул” номи билан Мисрда 1873 йилда алоҳида китоб холида нашр этилган, “Лубоб ан-нукул фий асбоб ан-нузул” номи билан эса “Тафсир ал-Жалолайн”нинг ҳошиясида Мисрда 1897, 1909 йилларда ҳамда Козон шаҳрида 1910 йилда нашр килинган. Айни асар Карабида ҳам Қуръони қаримининг ҳошиясида 1894–1900 йилларда қайтакайта нашр этилган.

Атия ибн Атия Ажхурий (ваф. 1190/1776) нинг “Иршад ар-Роҳман ли Асбоб ан-нузул ва ан-насих ва ал-мансух ва ал-муташadiҳ ва тажвид ал-Қуръан” асари. Муаллиф бу китобда Воҳидийнинг “Асбоб ан-нузул” китоби ва Иброҳим Жаъбарий томонидан амалга оширилган унинг муҳтасари ҳамда Суютий асарининг хуносасини бир жойда жамлашага ҳаракат қилган. Қисқартириш максадида санадларни ва тақорларни келтирган. Ҳар бир суранинг нозил бўлиш сабаби ҳақида алоҳида сўз юритиб, кейин ундаги мансух (хукми бекор килинган) оятларга тўхталади. Сўнгра қайси оятлар муташобех эканини баён килиб, суранинг фазилати тўғрисидаги маълумотлар билан тутагтган.

Замондош олимлардан Муқбиль ибн Ҳодий Вадий “ас-Саҳиҳ ал-муснад мин асбоб ан-нузул” номли китоб ёзган. Мазкур асарда иккى юз саксон еттита ривоят келтирилган бўлиб, муаллиф ассан матн таҳлилига эмас, санадга кўпроқ аҳамият берган. Айрим ўринларда Мадинада юз берган воеани маккий оятнинг нозил бўлишига сабаб килиб келтирган холатни кўриш мумкин. Бунга Мутаффифин сураси борасида келтирганларини мисол килиш мумкин. Мазкур сура Маккада нозил бўлган. У эса Ибн Аббоснинг куйидаги ривоятини

унинг нозил бўлишига сабаб сифатида келтирган: “Набий (с.а.в.) Мадинага келганларида улар ўлчов борасида энг ёмон одамлар эдилар. Шунда Аллоҳ таоло: “Ўлчовдан уриб қолувчиларга вайл бўлсин”ни нозил қилди. Шундан сўнг улар ўлчовни яхши киладиган бўлдилар”. Битта воеани бир гал маданий оятнинг бошқа ўринда маккий оятнинг нозил бўлишига сабаб килган. Матн танкиди этибордан четда колгани учун Вадий “усулий коидалар” (Муқбиль ибн Ҳодий Вадий, 1983) сарлавҳаси остида келтирган таърифига ривоятлар мос келмай колган.

Доктор Ҳаммод Абдулхолик Ҳалва “Асбоб нузул ал-Қуръон масодириҳа ва маноҳижуху” мавзусидаги тадқикот иши билан докторлик илмий даражасини олган. Кейинчалик ушбу тадқикот икки жилдда чоп этилган. Муаллиф биринчи жилдни сабаби нузул ривоятларининг манбаларига багишлаган. Улар “Муваттоб”, “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим”, тафсир китоблари, хусусан, “Тафсири Табарий”, “Тафсири Қуртубий”, “Тафсири Ибн Касир”, каби тафсирлардан иборат. Бундан ташкари сийрат, мағозий, тарих китобларини тадқик этган. “Сийрати Ибн Ҳипом”, “Табакот Ибн Саъд”, “Тарихи Табарий”, Ибн Касирнинг “Ал-Бидоя ваи никоя” китобларига ишора қилган. Улумул Қуръонга оид “Ал-Бурҳон”, “ал-Иткон”, Воҳидийнинг “Асбоб ан-нузул”, Суютийнинг “Лубоб ан-нукул” каби асарларни ўрганган. Асарда сабаби нузул ривоятларини бир жойга тўплашга этибор қаратилмаган. Балки имон қадар шу мавзуга боғлиқ мавжуд манбаларни ўрганиш назарда тутилган. Фикр китоблари муаллифнинг назаридан четда колган. Зоро, имом Қосоний (ваф. 587/1191)нинг “Бадое ас-саноэ”, Ибн Ҳазм (384/994–456/1064)нинг “ал-Муҳалло” каби асарларида ҳам сабаби нузул ҳақида сўз борган. Китобнинг иккинчи жилдida уламоларнинг сабаби нузулни ўрганишда кўллаган услубларига, уни баён килишда мазҳабларнинг хусусиятларига тўхталиб ўтилган.

Шайх Абдулфаттоҳ Қози ўзининг “Асбоб ан-нузул ан ас-саҳоба ва ал-муфассирий” (Шайх Абдулфаттаҳ Қози, 1987) асарини таълиф этди. Муаллиф ривоятларни Воҳидий ва Суютий услубида баён этган. Гоҳида воеан юз берган жойни зикр қиласи. Лекин бу китобнинг бошидан охиригача мунтазам давом этмаган. Баъзи вакътларда ровийларни келтириди, айрим ўринларда уларни тушириб колдиради. Китобда

ривоятларнинг санадлари келтирилмаган. Фикримизнинг тасдиги сифатида қўйидаги ривоятни келтирамиз. Муаллиф айтади: “Аллоҳ таоло “Аллоҳнинг йўлида катт бўлғанларни ўзиклар деманг. Балки улар тирикдирлар, лекин сиз сезмайсиз”, деган. Бу оят Бадр жангидга ҳалок бўлган муслумонлар хусусида нозил бўлган. Улар ўн тўрт нафар эди. Саккиз нафари ансорлардан, олти нафари муҳожжирлардан бўлган. Аллоҳ йўлида катт килинган кишилар ҳакида одамлар “Фалончи ўлиб кетди, дунё неъмати ва лаззатидан бебахра колди”, дер эдилар” (Шайх Абдулфаттах Қози, 1987). Кўриб турганимиздек, муаллиф бу ерда на ровийни ва на ривоятни ким қайси асарида келтирганига ишора килган.

Аллоҳ таолонинг “Уларнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам зинхор Аллоҳга ётмайдир. Лекин Ўнга сиздан тақво етадир” сўзи ҳакида шундай деди: “Ибн Журайх шундай ривоят килади: Ҳохилинг ахли Байтул ҳаромга түянинг гўштларию қонларини сурттар эдилар. Набий (с.а.в.н.)нинг асхоблари суртишга биз ҳақлироқмиз, дедилар. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил килди. Ибн Абу Ҳотим ривоят килган” (Шайх Абдулфаттах Қози, 1987). Олим бу ўринда ровийни ҳам қайси мухадис келтирганига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган.

Алявий Халифа Алявий “Жоме ан-нукул фи асбобан-нузулвашархиоётика” асаринижамлаган. Китоб иккى жилдан иборат. Муаллиф Куръон оятларининг нозил бўлиши сабаби борасида келган сўзларни тўплаган. Китобнинг номидан у ўз ичига олган маълумотларга мос десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки у маълумотларни текширмасдан ва таққиқ қилмасдан келтиравергани боис ўкувчи унда сараланмаган нақллар йигиндисига дуч келади.

ХУЛОСА

Сабаби нузул илми Куръони карим нозил бўлиши билан boglik ilmlar sirasiga kirodi. Bu ilm ҳам boşka ilmlar kabi daстlab tarrok rivoyatlar xolatiда bўlib, muайyan nom bilan atalmagagan. Vahid bilan hamnafas яшагan sahabalar oятlarни яхши anglash maқсадida ularni vaziyat va ҳolat bilan birgaga ёдлаб koliшga xarakat қilganlar. Keyinchi avlod vakkilari – tobeynlar esa dingga oид boşka maъlumotlар katgori oятlarning nозил bўliш sabablarini ҳам sahabalaridan ўргanganlar. Zararurat takzosigiga

кўра tobeynlar даврида ҳадисларни тўплаш ишлари бошлаб юборилгани, сабаби нузулга оид rivoyatlar ҳадислар siрасida naқл қилинганини кўриш mumkin. Keyinchalik esa ҳадис tўplamлari, tafsir kitoblari, sийратга oид asarlaridan joy olgan va shu zayldda rivojklaniб mustakil ilm sifatiда ajralibi чиқкан ҳамда xozirgi kundagi kўriniшiga keldan.

Юкорида келтирилган маълумотлардан кўriniб турибдики, мусулмон уламолар томонидан сабаби нузул masalasiga катта этибор kаратилган. Rivoyatlarни sahih va nosaxixha akjatiш, saralaш, tizimlashтириш ва taxhil kiliш, goxida muфassal, bаъzan esa muхtasar шакlda asarlar tasnif этиш orkali ulamolap sermaхsул maҳnat қilganlar.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулхай ибн Ахмад ибн Мухаммад ибн Имод Ҳанбалий. (1989). Шазарот аз-захаб фи ахбар ман заҳаб. Байрут: Дор Ибн Қасир.
2. Абу Абдулоҳ Ахмад ибн Ҳанбал. (2001). ал-Муснад // Шуайб Арнаут таҳхики. Байрут: Muассаса ар-рисала.
3. Абу Абдулоҳ Мухаммад ибн Наср Марвазий. (2001). Ас-Сунна. Риёз: Дор ал-осима.
4. Абу Довуд Сулаймон ибн Довуд Таёлсий. (1999). Муснад Абу Довуд Таёлсий // Мухаммад Абдул Муҳсин Туркий таҳхики. Миср: Дор Ҳажар.
5. Абул Ҳасан Али ибн Ахмад Воҳидий. (1969). “Асбоб ан-нузул”// Сайид Ахмад Сакар таҳхики. Байрут: Дор ал-китоб ал-жадид.
6. Абул Ҳасан Али ибн Ахмад Воҳидий. (1969). “Асбоб ан-нузул”// Сайид Ахмад Сакар таҳхики. Байрут: Дор ал-китоб ал-жадид.
7. Абулкосим Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокир. (1995). Тариху Мадинати Димашқ // Муҳиббуддин Абу Саъид Умарий таҳхики. Байрут: Дор ал-ғиқр.
8. Ахамад ибн Али Ибн Ҳажар Аскalonий. (1997). “ал-Ужаб фи баян ал-асбаб”// Абдулхаким Унайс таҳхики. Даммом: Дор Ибн ал-Жавий.
9. Ахмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Аскalonий. (2002). Ал-Ужаб фи баян ал-Асбоб // Абу Абдураҳмон Фаввозд Ахмад Замарий таҳхики. Байрут: Дор Ибн Ҳазм.
10. Жалолиддин Суютий. (1964). Буғят ал-вуати фи tobakot al-lugvaiyin ва an-nuhati // Абулғазл Иброҳим. Ж. 1. Коҳира: Нашириёти кўrсатилмаган.
11. Жалолиддин Суютий. (1983). Ад-Дур ал-mansur fi tafsir al-masur. Ж. 8. Байрут: Дор ал-ғиқр.
12. Зарқаший. (1980). Бурхон фи улум ал-Куръон // Мухаммад Абулғазл Иброҳим таҳхики. Байрут: Дор ал-ғиқр.

13. Иброхим ибн Мусо Шотибий. (1997). ал-Мувафакот // Машхур ибн Ҳасан таҳқиқи. ар-Риёд: Дор Ибн Аффон.
14. Қосим Ҳалаф Ансорий ибн Абдулмалик (Ибн Башкувал). (1966). Ас-Сила. Коҳира: ад-Дор ал-Амрия.
15. Мук бил ибн Ҳодий Вадиний. (1983). “Ас-Сахих ал-муснад мин Асбоб ан-нузул”. Қувайт: Дор ал-Аркам.
16. Мұхаммад Ажқаж Ҳатиб. (1988). Ас-Сунна кобла ат-тадвин. Коҳира: Мактаба вахба.
17. Мұхаммад ибн Саъд ибн Маний. (2001). Тағакот ал-кубро // Али Мұхаммад Умар таҳқиқи. Коҳира: Мактаба ал-Хониий.
18. Мұхаммад Мұхаммад Абу Захв. (1958). ал-Хадис ва ал-мухадисун. Коҳира: Дор ал-китуб ал-арабий.
19. Салохиддин Сағадий. (1981). Ал-Вағий би ал-вағият // С. Дедеринг таҳқиқи. Ж. 4. . Висбаден: Нашриёті күрсатилмаган.
20. Умар Ризо. (нашр ийли күрсатилмаган). Мұжкам ал-муаллифийн. Ж. 12. Байрут: Дор ийә ат-турос ал-арабий.
21. Фаҳд ибн Абдурраҳмон Румий. (2005). Диросат фи улум ал-Қурун карим. Риёз: Мактаба ал-Фаҳд ал-ватаания.
22. Ҳожи Ҳалифа. (нашр ийли күрсатилмаган). Кашф ан-зунун ан асами ал-кutub ва ал-ғunun. Ж. 1. Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий.
23. Шайх Абдулғатташ Қози. (1987). “Асбоб ан-нузул ан ас-саҳoba ва ал-муғassiriyin”. Байрут: Дор ан-надва.
24. Шамсиғдин Мұхаммад ибн Али Довудий. (1983). Тобакот ал-муғassiriyin. Байрут: Дор ал-кutub ал-ilmia.
25. Шамсиғдин Мұхаммад ибн Ахмад аз-Захабий. (1987). Тарих ал-ислом. Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий.
26. Шамсұддин Мұхаммад ибн Ахмад аз-Захабий. (1985). Сиyray аylam an-nubala // Шу'айб Арнаут таҳқиқи. Байрут: Muassasa ar-risola.
6. Abul Hasan Ali ibn Ahmad Vahidi. (1969). Asbab an-nuzul // Research by Sayyid Ahmed Saqr. Beirut: Dar al-kitab al-jadid.
7. Abulqasim Ali ibn Hasan ibn Hibatullah ibn Asokir. (1995). Tarikh Madinati Dimashq // Research by Muhibbuddin Abu Sa'id Umari. Beirut: Dar al-fikr.
8. Ahamat ibn Ali Ibn Hajar Asqalani. (1997). al-Ujab fi bayan al-asbab // Research by Abdulhkaim Unays. Damman: Dar Ibn al-Jawzi.
9. Ahmad ibn Ali ibn Hajar al-Asqalani. (2002). Al-Ujab fi bayan al-asbab // Research by Abu Abdurrahman Fawwaz Ahmed Zamari. Beirut: Dor Ibn Hazm.
10. Jalaluddin Suyuti. (1964). Bugyat al-wuati fi tabaqat al-lugawiyyin wa an-nuhati // Abulfazl Ibrahim. Vol. 1. Cairo: Publisher not specified.
11. Jalaluddin Suyuti. (1983). Ad-Dur al-mansur fi tafsir al-ma'sur. J. 8. Beirut: Dar al-fikr.
12. Zarkashi. (1980). Burhan fi ulum al-Qur'an // Research by Muhammad Abulfazl Ibrahim. Beirut: Dor al-fikr.
13. Ibrahim ibn Musa Shatibi. (1997). al-Muwafaqat // Research by Mashhur ibn Hasan. Riyadh: Dar Ibn Aflan.
14. Qasim Khalaf Ansari ibn Abdulmalik (Ibn Bashkuwal). (1966). As-Sila. Cairo: al-Dar al-Misriya.
15. Muqbil bin Hadi Wadi'i. (1983). “As-Sahih al-musnad min asbab an-nuzul”. Kuwait: Dar al-Arqam.
16. Muhammad Ajaj al-Khatib. (1988). As-Sunnah qaba al-tadvin. Cairo: Maktaba Wahba.
17. Muhammad ibn Sa'd ibn Mani'. (2001). al-Tabaqat al-Kubra // Research by Ali Muhammad Umar. Cairo: Maktaba al-Khaniji.
18. Muhammad Muhammad Abu Zahw. (1958). al-Hadith and al-Muhaddisin. Cairo: Dar al-kutub al-arabi.
19. Salahiddin Safadi. (1981). Al-Wafi bi al-wafyat // S. Dedering investigation. Vol. 4. Wiesbaden: Publisher not specified.
20. Omar Reza. (the year of publication is not indicated). Mu'jam al-muallifiyn. Vol. 12. Beirut: Dor iya at-turos al-arabi.
21. Fahd ibn Abdurrahman Rumi. (2005). Dirosat fi ulum al-Quran karim. Riyad: Maktaba al-Fahd al-wataniya.
22. Haji Khalifa. (the year of publication is not indicated). Kashf an-zunun an asami al-kutub wa al-funun. Vol. 1. Beirut: Dar ihyah at-turos al-arabi.
23. Sheikh Abdulfattah Qadi. (1987). Asbab an-Nuzul an as-Sahaba wa al-Mufassirin. Beirut: Dar an-nadwa.
24. Shamsuddin Muhammad ibn Ali Dawudi. (1983). Tabaqat al-mufassiriyin. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
25. Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad al-Zahabi. (1987). History of Islam. Beirut: Dar al-Kitab al-Arabi.
26. Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad al-Dhahabi. (1985). Siyaru a'lum an-nubala // Research by Shu'ayb Arnaut. Beirut: Institution ar-risola.

REFERENCES

1. Abdulhai ibn Ahmad ibn Muhammad ibn Imad Hanbali. (1989). Shazarat az-zahab fi akhbar man zahab. Beirut: Dar Ibn Kasir.
2. Abu Abdullah Ahmad ibn Hanbal. (2001). al-Musnad // Study of Shuayb Arnaut. Beirut: Institution ar-risala.
3. Abu Abdullah Muhammad ibn Nasr Marwazi. (2001). Al-Sunnah. Riyad: Dar al-Asima.
4. Abu Dawud Sulaiman bin Dawud Tayalisi. (1999). Musnad Abu Dawud Tayalisi // Research by Muhammad Abdul Muhsin Turki. Egypt: Dor Hagar.
5. Abul Hasan Ali ibn Ahmad Vahidi. (1969). Asbab an-nuzul // Research by Sayyid Ahmed Saqr. Beirut: Dar al-kitab al-jadid.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИННИГ
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

Бош мұхаррир: Ж.Каримов

Мұхаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидағы матнлар мұхаррири: О.Сотвоздиев

Дизайнер-сағиғаловчы: З.Үломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашириётнинг лицензия раками AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашириёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidiyjournal.uz

+998971 244-35-36

@moturidiyuz

www.moturidiy.uz

info@moturidiy.uz